

МУГАЛЛИМ ҲАМ ЎЗЛИКСИЗ БИЛИМЛЕНДИРИҶ



ISSN 2181-7138

№ 1 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

Редактор:
А. Тилегинов

Редколлегия ағзалары:
Мақсет АЙЫМБЕТОВ
Нағмет АЙЫМБЕТОВ
Байрамбай ОТЕМУРАТОВ
Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ
Алишер АЛЛАМУРАТОВ
Дилшодхўжа АЙТБАЕВ
Өсербай ӨЛЕҰОВ
Асқар ДЖУМАШЕВ
Кеңесбай ДАУЛЕТЯРОВ
Гүлнара ЖУМАШЕВА
Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ
Амангелди КАМАЛОВ
Сарсен КАЗАХБАЕВ
Гулмира КАРЛЫБАЕВА
Сабит НУРЖАНОВ
Уролбой МИРСАНОВ
Арзы ПАЗЫЛОВ
Зухра СЕИТОВА
Айдын СУЛТАНОВА
Тажибай УТЕБАЕВ
Ризамат ШОДИЕВ
Ойбахор ШАМИЕВА
Бекзод ХОДЖАЕВ
Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ
Гулрухсор ЭРГАШЕВА

Шөлкемлестириўшилер:
Қарақалпақстан Республикасы
Халық билимлендириў
Министрлиги, ӨЗПНИИ
Қарақалпақстан филиалы

Өзбекстан Республикасы
Министрлер Кабинети
жанындағы Жоқарғы
Аттестация Комиссиясы
Президиумының 25.10.2007
жыл (№138) қарары менен
дизимге алынды

Қарақалпақстан Баспа сөз хәм
хабар агентлиги тәрепинен
2007-жылы 14-февральдан дизимге
алынды №01-044-санлы гуўалық
берилген.

Мәнзил: Нөкис қаласы,
Ерназар Алакөз көшеси №54
Тел.: 224-23-00
e-mail: uzniipnkkf@umail.uz,
mugallim-pednauk@umail.uz
www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz

Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзіндилер «Мугаллим ҳәм ўзликсиз билимлендириў» журналынан алынды, деп көрсетилиўи шәрт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледі. Мақалада келтирилген маглыўматларға автор жуўапкер.

МАЗМУНЫ

ТИЛ ҲАМ ЭДЕБИЯТ

Отажанов Н., Казакова Р. «Бобурнома»ни рус лаҳжасига ўғтиришдаги дастлабки тажриба ва таржималар	4
Усмонова М.Б. Адабиёт дарсларида ўқувчиларда миллий характер хусусиятларини ривожлантириш йўллари	10
Mamashajeva M. Die bedeutung und das gebrauch der it beim sprachlernen	13

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Аскарова Ў.М., Рахимова Д. Ота-она қаримоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда маънавий қадриятларнинг ўрни	17
Абдуллаев Ғ.Р., Жаббарова Д.З. Oila muhitining bola rivojlanishidagi oʻrni va shart-sharoitlarning bola psixikasiga taʼsiri	20
Пазылова М.Е. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараёнида талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашнинг дидактик шарт-шароитлари	25
Муртозаева М.М. Бўлажак педагогларни таълим-тарбия жараёнига тайёрлаш ва экологик компетентлиқни ривожлантиришнинг механизмлари	31
Sobirova M.Y. Antroposentrik yondashuv asosida oʻquvchilarda kommunikativ kompetensiyani rivojlantirish	34
Қурбонова Б.Қ. Ҳамкорлик педагогикаси асосида талабалар билан таълим-тарбия жараёнида ўзаро биргаликдаги фаолият механизмини ривожлантириш	38
Супиева Б.А. Малака ошириш тизимида давлат (ўзбек) тили модулини ўқитишда замонавий ўқув-услубий мажмуалардан фойдаланиш зарурияти	42
Иргашова М.А. Замонавий раҳбар бошқарув фаолиятининг самарадорлиги	45
Гуламова Н.Г. Талабаларда ижтимоий фаоллиқни ривожлантириш жараёنларини ташкил этиш ва бошқариш	48
Tojiboyeva S.X. Fanii darsligida abu ali ibn sino ilmiy merosidan foydalanishning mazmun mohiyatini va tahlillari	52
Mamatxanova N.T. Boʻlajak oʻqituvchini ijtimoiy-pedagogik faoliyatga tayyorlash zaruriyati ...	55
Ортиқова З. Замонавий оилага хос тенденциялар	58
Самижонова М. Талабалар илмий-тадқиқот ишини ташкил этиш ва уни такомиллаштириш йўллари	62
Қосимова Г. Бўлажак чет тили ўқитувчиларининг методик тайёргарлигининг ривожлантиришда лойиҳа усулидан фойдаланиш	66
Ювашов Ш.Ў. Мактаб таълимида ўқувчиларга юксак ахлоқийлик фазилатларини ўргатишда Япония тажрибаси	68
Jalolova F.M. Oʻquvchilar tayanch kompetentligini shakllantirishda PISA xalqaro baholash dasturining ahamiyati	72
Rustamova L.I. Oʻquvchilarda kreativlik qobiliyatni rivojlantirish omillari	75
Qirboyeva N.T. Oʻquvchilarda tolerantlik va millatlararo muloqot madaniyatini rivojlantirishning ahamiyati	77
Пардаева Д.Р. Талабаларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг усуллари	81
Malikova D.M. Oʻquvchilarni mutolaa vositasida muloqot koʻnikmalarga oʻrgatish	83
Shomurodov J. Oʻquv materiallarini strukturalash asosida oʻquvchilarning kognitiv qabul qilish imkoniyatlarini kengaytirish	86
Berdieva H.B. Boʻlajak boshlangʻich sinf oʻqituvchilarning ijtimoiy-madaniy kompetentligini shakllantirish mezonlari	89

Шахмунова Г.А., Тулаганов Д. Д. Вектор и перспективы развития биологического образования в Республике Узбекистан	93
---	----

МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛЫҚ ТИЙКАРЛАРИ, ТАРИЙХ, ФИЛОСОФИЯ

Urazimbetov A. B. Milliy gʻurur: anana va innovatsiyalar	100
Abduraxmonova D.K. Muharrirning Bobur portretiga oid qaydlari	103
Мўминов З.О. Ички миграция жараёниларида мигрантлар моддий эҳтиёжи ва қариндош-уруғчиликнинг ўзаро алоқадорлиги	106

ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

Джумагулов З.У., Бердимбетова А.Д. Бўлажак технологик таълим ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини такомиллаштириш технологиялари	111
Мухитдинова Ж.Р. Технология дарсларида ўқувчиларни техник фикрлаш қобилиятларини келажак касблари бўйича шакллантириш усуллари	115
Зарипов О.К. Электрон таълим муҳитида интерактив таълим ресурсларини яратишнинг ташкилий тузулмаси	120

БАСЛАЎЧИ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТАРБИЯ

Ташибекова М.Х. Бошланғич синф ўқувчиларида ўқув-билув компетенциясини шакллантиришда STEM технологиясининг педагогик хусусиятлари	124
Эргашева Г.Н. Мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўргатишнинг методик таъминоти самарадорлиги	128
Хурвалиева Т.Л. Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш моделининг инновацион тузилмаси ва мазмуни	133
Ergasheva X.Y., Maxsuthodjayev M. Maktabgacha ta'lim tashkilotlari tarbiyalanuvchilarining yoshga doir psixologik xususiyatlari	137
Ачилова С.Ж. Дизартрия нутқ нуқсонига эга бўлган болаларда нутқнинг фонетико-фонематик жиҳатдан ривожланишининг ўзига хослиги	141

ФИЗИКАЛЫҚ ТАРБИЯ ҲАМ СПОРТ

Дехкамбаева З.А. Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт воситасида тарбиялашнинг хусусиятлари	148
Маматқулов М.Х. Имконияти чекланган ўсмирларда жисмоний сифатларнинг шаклланишида спорт тўғрақларининг аҳамияти	151
Achilov T. S. Kurash falsafasi va uning pedagogik ahamiyati	154

5. Palmer H. Scientific study and teaching of languages. – London, 1922. – 243 p.
6. Земченкова Т.В. Английский для дошкольников. – М.: ВАКО, 2008 г. Всемирный доклад ЮНЕСКО по коммуникации и информации, 1999-2000 гг. – М., 2000. – 168 с.
7. Миржалолова Л. Болаларни гапиртириб ўйналадиган ўйинларга нуткий жиҳатдан тайёрлаш. Т.: 2005.
8. Шолпо И.Л. Как научить дошкольника говорить по-английски : учеб. пособие по методике преподавания английского языка для педагогических вузов, колледжей и училищ по специальности «Преподаватель иностранного языка в детском саду». – СПб.: Спец. лит, 1999.
9. Ёралиева У.Қ. Мактабгача таълим тизимида хорижий тилларни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари ва унда интерфаол усуллардан фойдаланишнинг имкониятлари. - Т.: «Замонавий таълим» журнали. 2014.

РЕЗЮМЕ

Мақолада мактабгача таълим ташкилотларида инглиз тилини ўргатиш бўйича олиб бориладиган тадқиқот ишлари натижаси ва самарадорлиги таълим мазмуни, мақсади ва вазифаларига мослиги, унинг илмий жиҳатдан асосланганлиги, изчиллиги билан боғлиқлиги, шунингдек мазмунга мос усуллар, шакллар ва воситалар мажмуасининг танланиши билан таъминланганлиги ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются результаты и эффективность исследования обучения английскому языку в дошкольном образовании, его соответствие содержанию, целям и задачам образования, его научная основа, последовательность, а также выбор соответствующих методов, форм и средств.

SUMMARY

The article examines the results and effectiveness of the study of teaching English in preschool education, its compliance with the content, goals and objectives of education, its scientific basis, consistency, as well as the choice of appropriate methods, forms and means.

МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИ АТРОФ ОЛАМ БИЛАН ТАНИШТИРИШ МОДЕЛИНИНГ ИННОВАЦИОН ТУЗИЛМАСИ ВА МАЗМУНИ

Хурвалиева Т.Л.

*Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти
Мактабгача таълим методикаси кафедраси доценти, п.ф.д (DSc).*

Таянч сўзлар: атроф олам, идрок, сенсор, интеграция, кўргазмали образли тафаккур, комфорт муҳит, гендер, мослашувчанлик, педагогик марказ, ўлчамлилик, тамойил, грамматик қонуният.

Ключевые слова: окружающий мир, восприятие, сенсорика, интеграция, наглядно-образное мышление, комфортная среда, гендер, адаптивность, педагогический центр, размерность, принцип, грамматическая закономерность.

Key words: world around, perception, sensing, integration, visual-figurative thinking, comfortable environment, gender, adaptability, pedagogical center, dimension, principle, grammatical regularity.

Мактабгача болалик жамоавий сифатлар, шунингдек, бошқа одамларга нисбатан инсоний муносабатлар шаклланишида сензитив давр ҳисобланади. Агар бу сифатлар мактабгача ёшда шаклланмаса, бола шахси ривожланишига таъсир кўрсатади. Мазкур ёшда, асосан, англаш, ҳиссий билиш, идрок ва образли-тафаккур ривожланади. Мактабгача ёшдаги болада идрок, кўргазмали-ҳаракатли ва кўргазмали-образли тафаккур шаклланади, унинг билиш имкониятига қараб, фаолият турлари ривожланади, нутқ янада юқори даражага кўтарилади, мантикий тафаккур шаклланади. Ўйин асосий ва дастлабки фаолият тури ҳисобланади, тас-

вирий фаолият илк ижодий меҳнат фаолияти маҳсули ҳисобланади. Ўйин болаларга атроф олам ва табиатдаги нарса-буюмларни ажратиш, улар билан ўйнаш ёки маълум ҳаракатларни бажариш орқали ўзини синаб кўриш, тажриба қилиш, солиштириш имконини беради.

Таникли рус педагоги К.Д. Ушинский фикрича “болаларга табиат ва атроф олам ҳақида халқ ўйинлари ўйнаш, эртақлар эшитиш, тез айтиш ва мақоллар ўрганиш қувонч бағишлайди” [3]. Улар атроф оламга оид турли дидактик ўйинлар ўйнаш орқали янги билимларни ўзлаштиради, оддий меҳнат малакаларини эгаллайди. Болаларда миллий ва маънавий қадриятлар шаклланади.

Б.Н.Водовозова болага илк ёшдан сенсор тарбия бериш методикаси ҳамда ақлий тарбия беришнинг “яқиндан узоққа, оддийдан мураккабга, нарса ва буюмлар ўртасидаги алоқадорлик, конкрет тушунчадан мавҳумгача” каби педагогик тамойилни асослайди [2].

Болаларда ақлий тарбия негизда маънавий-ахлоқий сифатлар ривожланади ҳамда фуқаролик тарбияси, жамиятда ўзини тутиш маданияти шаклланиб боради. Атроф оламнинг ўзига ҳослиги шундаки, у интеграцион характерга эга бўлиб, табиат ва жамият, тарихий-маданий, табиий-ижтимоий жиҳатдан ўзаро тизимли равишда болалар онгида акс этади.

Е.И.Тихеева бола тарбияси ва таълимини амалга оширишнинг педагогик шароитини ишлаб чиққан, боланинг меъёردа ривожланиши учун илк ёшдан тасаввур оламини кенгайтириш зарурлигини асослаган [4].

Маълумки, ҳар бир инсон ҳоҳ катта, ҳоҳ кичик ёшда бўлсин, атрофидаги ўзгаришларни англаган ҳолда ўзининг шахсий тажрибаси асосида оламнинг такрорланмас моделини онгида ҳосил қилади. Янги билимлар, ҳодисалардан таассурот олиш учун онгида шаклланган маълумотлар учун асосли далиллар талаб этилади.

Л.К.Шлегер болалар билан ишлаш мазмуни ва методикасида расмий ёндашувни қоралайди. У эркин мактабгача тарбия тамойилни ишлаб чиқиб, болаларнинг шахсий ҳаётга эгаллиги; ҳар бир ёш ўзининг қизиқиши, имкониятига эгаллиги; болаларга ўйин ва меҳнат фаолиятида тўлиқ эркинлик бериш лозимлиги; эркин ишлашнинг устуворлиги; ўқув материалининг тушунарлилиги; бола шахсини ўзини англашга ўргатиш” муҳимлигини асослайди [6]. Тарбиячи атроф олам билан таништириш жараёнида болаларда билим олиш, ўрганиш ва фикрлашга истак уйғотиши талаб этилади. Атроф оламдаги нарса, ҳодисалар номи ва моҳияти болалар нутқининг мазмунини ташкил этади. Бу болалар нутқини ўстириш билан узвий боғлиқ бўлиб, улар биргаликда ҳал этилиши лозим.

Таълим жараёнида ўқув-тарбиявий фаолиятни режалаштириш усул ва шакллари, фойдаланиладиган ресурслар тўғри танланиши лозим. Педагог-тарбиячи методик ва инновацион фаолиятини касбий фаолият харитаси асосида ташкил этади. Шунингдек, онла, мактаб, ташкилотлар, маҳалла билан ҳамкорликни ташкил қилиш назарда тутилади. Болаларни атроф олам билан таништиришда машғулотларро боғлиқлик ҳам амалга оширилади. Болалар ўқув фаолияти мақсади ва вазифаларини ўзлаштиради, амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилади. Болаларда режалаштириш, назорат ва ўқув ҳаракатини баҳолаш кўникмалари


пайдо бўлади. Нутқ воситалари ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланиш ҳам атроф олам ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришда муҳим саналади. Айниқса мантикий фикрлаш, таққослаш, анализ, синтез, умумлаштириш, белгиларига кўра турларга ажратиш, ўхшашлиги ва сабабий боғлиқлар, фикрлаш кетма-кетлиги, таниш тушунчаларни саралаш каби жараёнлар амалга ошади. 5-7 ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш, уй-рўзгор буюмлари, табиат ҳодисалари ҳақида аниқ билимлар беришни кўзлайди. Уларни ўзлаштириш жараёнида билиш қобиляти шаклланади ҳамда табиатга онгли муносабат тарбияланади. Болалар кузатиш орқали ўсимликлар, ҳайвонларнинг алоҳида белгиларини ажратади, аниқлайди, сенсор кўрсаткичлардан фойдаланади (ранги, шакли, катталиги), объектларнинг ташқи кўринишига қараб таққослайди ва гуруҳларга ажратади. Болалар атроф оламнинг яхлитлиги ва турфалиги, атроф муҳитда ўзининг тутган ўрни, кадрятларни англай бошлайди. Тадқиқотимиз натижалари асосида “Мақтабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш методикасини такомиллаштириш” модели ишлаб чиқилди ва амалиётга таъбиқ этилди (1-расм).

Мазкур модел интерфаол ўқув мухити, унга мос (субъект-субъект, қайта алоқа, ўз-ўзини баҳолаш) муносабатлар воситасида фаол нутқий алоқани амалга оширишга йўналтирилган педагогик фаолият (компетенциявий ёндашувга асосланган) стратегияси асосида такомиллаштирилди. Моделда муҳим ёндашувлар алоҳида акс эттирилди. Хусусан, компетенциявий, трансформацион, вариатив, кластерли, интегратив, концентрик, индивидуал ёндашувлар, уларга эришиш омили ҳамда соҳа ривожига ҳисса қўшган олимларнинг таълимотига асосланишнинг муҳимлиги яққол намоён қилинди.

Тадкикот даврида болаларни атроф олам билан таништиришда тизимлилик, комфорт муҳит, гендер, мослашувчанлик, педагогик марказ, ўлчамлилик тамойилига таянилды. Тизимлилик тамойили табиат ва ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг умумий алоқадорлигини тасаввур қилиш ҳамда ўзлаштириш, турли вазифаларни ҳал этишни таъминлайди. Болалар учун яратилган қулай ва эркин шароит билимларни ўзлаштириш самарали қилиниши ҳизмат қилади.

1-рasm.

Машғулотда кулай муҳит яратиш учун тарбияланувчилар мустақил танлаган фаолият кетма-кетлигини аниқлаш ва давомийлигини бажаришга имкон берилади. Болаларга ўз кизиқишини амалга ошириш, билим олиш ва мулоқотга бўлган эҳтиёжини қондириш, ўйин ва бошқа фаолият турларини танлашиш учун зарур шароит яратиш талаб этилади. Педагог-тарбиячининг вази-



Мактабгача ёшдаги болаларни атроф олам билан таништириш методи- касини такомиллаштириш бўйича таълим-тарбия жараёни модели

фаси болалар ўқув дастурини зарур ва керак бўлгани учун бажариш эмас, балки ўзи мустақил танлаши, ўз фаолиятини режалаштириш ва зарурлигини англашига ёрдам кўрсатишдан иборат бўлиши керак. Болаларни мажбурлаш эмас, уларнинг ихтиёрий фаолият юритишига имкон берилади.

Гендер тенглик тамойили болалар ўртасидаги тенгликни таъминлайди. Қиз бола ва ўғил болалар ҳамкорликда ўйнайди, берилган ўқув топшириқларини бирга бажаради. Болаларда ўзаро тенглик муносабати шаклланади. Болаларга атроф оламни таништириш ижтимоий йўналган мослашувчан муҳитда амалга оширилиши, яъни болаларга берилаётган ўқув материали мазмунини жамиятга эрта мослаштириш имконини берувчи ўқув топшириқларига бой бўлиши керак. Болаларда ижтимоий компетентликни оптимал даражада шакллантириш учун коммуникатив шароит яратиш лозим. Болаларни турли мазмундаги жамоат тартиби ўрнатилган муҳитга мослаштириш муҳим. Болаларни миллий кадриятлар асосида тарбиялаш баробарида бошқа миллат вакилларига толерант муносабатда бўлишга тайёрлаш кўзда тутилади. Болаларда кузатилаётган айрим оғишлар, ноодатий ҳаракат ва бошқа салбий сифатларни ташкилот ва оиланинг корпоратив ҳаморлигида ташкил этиладиган коррекцион-ривожлантирувчи жараёнда бартараф этилади.

Педагогик марказ тамойили мустақилликка ундовчи жараёни амалга ошириш, яъни машғулотларни фақат болаларнинг истак ва қизиқиши асосида ташкил этишни кўзлайди. Ўқув жараёнида болага ўз имкониятини кўпроқ намоён этиши учун шароит яратилади. Ушбу жараёнда тарбиячи болалар фаолиятини муайян мавзуга йўналтиради. Бунда ўйин ва суҳбатлардан фойдаланади. Ўлчамлилик тамойили машғулотда болаларнинг имконияти, ёш хусусияти ва ўзлаштириш даражасига мос бўлиши лозимлигини англади. Бунда машғулотларни турли замонавий, интерфаол усулларда олиб бориши алоҳида педагогик талаб ҳисобланади. Ўзаро таъсир кўрсатадиган турли метод ва шакллар “субъект-субъект”, “қайта алоқа”, ўз-ўзини баҳолаш” муносабатини амалга оширишни кафолатлайди. Боланинг атроф оламни бевосита кузатиши мантикий машқ майдони ҳисобланади. Болада фикрлаш, натижада, боғланган нутқ ривожланади, грамматик қонуниятларни ўзлаштириш учун шароит яратилади.

Боланинг фикрлаши ва сўз бойлигини такомиллаштириш учун, аввало, унинг қалбини табиатнинг ёрқин намуналари билан бойитиш зарур, чунки нутқнинг мантикийлиги инсоннинг табиатни кузатиши давомида пайдо бўлади, мантиқнинг ўзи эса, онгимизда табиат ҳодисалари ва буюмлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликда акс этади.

Адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси. 8.05.2019 й., ПҚ-4312. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 10.05.2019 й., 07/19/4312/3106-сон.
2. Волобуева Л.М., Авилова Е.А. История дошкольной педагогики: учебно-методическое пособие. М.:2017-64 с.
3. Кондукторова Н.В. Педагогические идеи К.Д.Ушинского в современной системе образования // Образование и воспитание. 2016. - №5. С. 3-6.
4. Тихеева, Е. И. Развитие речи детей. М.: Издательство Юрайт, 2019. -161с. (Антология мысли).ISBN 978-5-534-11401-0.- Текст: электронный // ЭБС Юрайт.